

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Жўрабоев Н.Ю.

ТДТрУ доценти

Юнусова Н.Ш.

ТДТрУ доценти

Аннотация: Мақолада “янги” сўзининг лугавий маъноси, жадидчилик ҳаракатининг натижаси ўлароқ юз берган янгиланишлар, истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислоҳотлар, айниқса, сўнгги йиллар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида рўй берган янгиланишлар таҳлил этилиб, шу асосда, “Янги Ўзбекистон” тушунчасининг музмун-моҳиятини очиб беришга ҳарақат қилинган.

Калит сўzlар: янги, янги Ўзбекистон, янгиланаётган Ўзбекистон, янгича дунёқараши, янгича тафаккур, Ренессанс, ислоҳот, жадид, Стратегия, таълим.

Аннотация: В статье анализируется лексическое значение слова «новый», новшества, произошедшие в результате движения джадидов, коренные реформы, проведенные в годы независимости, и особенно новшества, произошедшие в общественно-политической и культурной жизни Узбекистана в последние годы, и на этой основе делается попытка раскрыть содержание и сущность понятия «Новый Узбекистан».

Ключевые слова: новый, новый Узбекистан, обновляющийся Узбекистан, новое мировоззрение, новое мышление, Ренессанс, реформа, новый, Стратегия, образование.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “янги” сўзига “илгари бўлмаган, энди юзага келган (келаётган, келадиган)”, деб тариф берилган. Демак, “янги” сўзини бирор бир янги воқеа-ходисанинг рўй беришини англатувчи тушунча сифатида кўриш мумкин. Ҳолбуки, “янги” сўзини ижтимоий ҳаётимизда қўлланилиши бугун ё кеча пайдо бўлган ҳодиса эмас. Биламизки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон сиёсий ҳаётига демократик қарашлар, ўзгаришлар кириб кела бошлаган. Булар, “жадид”, “жадидизм” номлари билан боғлиқ маърифатпарварлик кўринишида намоён бўлган. Бу ўринда, арабчадаги “жадид” сўзи “янгилик, янги усул тарафдори” маъноларида қўлланилган. Туркистонлик жадид боболаримиз XX аср бошларида эски мактабдаги тартиб ва ўқитиши усуллари ўрнига янги тартиб ва таълим-тарбия усулини, жумладан, хат-савод чиқаришда ҳижо тизими ўрнига товуш тизимини киритишган. Кейинчалик, бу харакат “усули жадид” номи билан шухрат қозонди.

Жадидчилик ҳаракати намояндалари ўша даврнинг илфор тараққийпарвар кучлари сифатида, биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етганлар. Аммо уларнинг бу эзгу мақсадлари амалга ошмади. Чунки, ўлка ҳали тўла сиёсий мустақилликни қўлга киритмаган, ярим мустамлака шароитида эди. XX асрнинг

сўнгги ўн йиллигига Ўзбекистон ўзил-кесил сиёсий мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мутлақо янги давр бошланди.

Истиқлол йилларида иқтисодиётимизни ривожлантириш, фан ва таълим, маданият, ижтимоий ҳаётимизни юксалтириш, турмуш шароитимизни яхшилаш каби кўплаб йўналишларда туб ислоҳотларда амалга оширилди. Буларнинг барчаси жонажон юртимиз қиёфасига янгича жозиба ва мазмун бахш этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон бугун янгича муносабатлар йўлига кирди, у ўзгармоқда, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакат миқёсидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муваффакиятлар, ўзгариш ва янгиланишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Энг мухими, халқимиз бу ўзгаришларга гувоҳ бўлиб, қўллаб-қувватламоқда, ислоҳотларда иштирок этаяпти. Шу тариқа, кўз олдимизда “Янги Ўзбекистон” барпо бўлмоқда. Эндиликда, “янги” сўзи янада янгича маъно касб этмоқда.

Бинобарин, энг катта ва улуғ мақсадимиз – мана шу заминда Учинчи Ренессансни барпо этиш, аждодларимиз қадаган түғни қайта тутиб, уни янада баландроқ қўтариш. Ана шундай эзгу ва юксак мақсадлар билан интилаётган, улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилган ва давом этаётган юртимизни «Янги Ўзбекистон”, “Янгиланаётган Ўзбекистон», деб атамоқдамиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганлариdek: “...буғунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуғ аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз”.

Мамлакатимиз ҳақида: “Ҳавода умидбахш кайфиятлар ҳис этилмоқда. Ўзбекистон барча аҳолисининг оғзида ўзгаришлар”, - деб ёзади Буюк Британиянинг нуфузли “The Guardian” газетаси. “Республиканинг ташқи дунёга қучоқ очиши мамлакатнинг янги йўналишда шаҳдам одим отишига имкон беради”, - дейилади “The Washington Post” газетасидан олинган иқтибосда. Ёки: “Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг янги асрига қадам қўймоқда”, - деб ёзади Германиянинг “Germany Trade & Invest” газетаси. Дарҳақиқат, сўнгти йилларда Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилаётган чуқур ислоҳотларнинг халқаро оммавий ахборот воситаларида бундай яқдил ва юқори баҳоланиши қандай жамият ва давлат бўлишидан қатъи назар, камдан-кам содир бўладиган ҳодисадир.

Бугун ўз ҳаётига, тақдирига, мамлакатимизда кечаётган жараёнларга, унга бўлган ўзаро муносабатларга бефарқ бўлмаган ҳар бир киши бу ўзгаришларни англамоқда. Халқимиз билан бирга “Янги Ўзбекистон – мактаб останасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширимоқдамиз. Мисол учун, биргина 2019-2020 йиллар ичida 77 та янги мактаб қурилди. Хусусий таълим тизимига кенг йўл очилди. Ўтган уч йилда хусусий мактаблар сони 6 марта ошиб, 140 га етди. Президент мактаблари ва ижод мактаблари ташкил этилди. Математика, кимё-биология каби актуал фанларга ихтисослашган 80

дан ортиқ мактаблар ўз фаолиятини бошлади. Сўнгги тўрт йил давомида эса мамлакатдаги боғчалар сони 3 баробар ошди (5200 тадан 14200 тага етди). Кейинги 6 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар кўпайиб, 28 мингдан ошгани ва қамров даражаси 70 фоизга етгани, айниқса, эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирав экан: "Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимига асосий мақсад қилиб белгиладик... Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлгуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз", - дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёв ўз Мурожаатномасида.

Инсон ҳаётга факат кузатиш учун эмас, балки фаолият юритиш учун, ўзлигини англаш учун келади. Шундай экан, мамлакатнинг онгли ва виждонли ҳар бир фуқароси содир бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак. Зоро, Янги Ўзбекистон унинг келажаги тўғрисида қайғурладиган ва Ватаннинг қисматини ўз қисмати деб биладиган кишилар орқали амалга ошади.

"Халқимизнинг улуғвор құдрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги ҳалқ эмас". Бу сўзлар нафақат ҳамюрларимиз томонидан, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак минбарларда барадла айтилмоқда. Бунинг ортида давлатимиз раҳбари бошчилигига узоқни кўзлаб олиб борилаётган одилона сиёsat билан бирга, халқимизнинг жуда катта матонати, меҳнати, фидойилиги ва ташаббускорлиги турибди. Халқимизнинг жўш урган құдрати ана шундай мэрраларни забт этишга, Ўзбекистон нуфузини юксакларга кўтаришга қодир, десак муболага бўлмайди.

«Ренессанс», "Янги Ўзбекистон" "Учинчи Ренессанс", "Янгича дунёқараш", "Янгича тафаккур" каби сўзлар ёки бундай ижтимоий феноменал ҳодиса ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграётганлиги, оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёзилаётганлиги, ижтимоий тармоқлардаги таҳлил ҳамда талқинларда тамойилга кириб улгурганлиги ва буларнинг барчаси, халқимизни улуғвор мақсадлар сари руҳлантираётганлиги табиий.

Шу ўринда, "Янги Ўзбекистон" деган ибора ва тушунча тобора ижтимоий ҳаётимизга чуқур кириб бораётганлигини яна бир бор қайд этиш лозим. Бинобарин, ватанимиз миллий истиқололга эришганидан сўнг, ўтган давр ичida мисли кўрилмаган тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳолбуки, у ёки бу халқнинг тарихий бурилиш палласида рўй берадиган бу каби фавқуллода ҳодисалар, инсоният тарихидан маълумки, кишилар онгу шууридаги маънавий уйғониш, миллий ўзликни англаш жараёнларининг жўш уришига ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётини янги босқичга кўтарилишига имкон беради.

Алоҳид таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган биринчи интервьюсида кейинги беш йил мобайнида республикада амалга оширилган кенг кўламдаги демократик ўзгаришлар, мамлакат халқининг реал ҳаётига “Янги Ўзбекистон” деган ибора ва тушунча тобора чуқур кириб бораётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.“Ҳозирги вактда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун «Янги Ўзбекистон» ва «Учинчи Ренессанс» сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислоҳотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки, мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир”. – дейилади мазкур сұхбатда.

Эътироф этилаётганидек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратdir. Президентимиз таъбири билан айтганда:“Янги Ўзбекистон»ни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир”.

Агар, ана шу янги босқичда 2017-2021 йиллар мобайнида Ҳаракатлар стратегияси доирасида муваффақият билан амалга оширилган улкан ишларни, бугунги ва эртанги мақсадларни ўзида ифода этган Тараққиёт стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатдаларда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни қўйганлигимиз яққол кўринади.

Хуоса қилиб айтганда, бугун Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” бош гоясига таяниб, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифаси қўйилган экан, уни бажариш учун биргина раҳбар, педагог ёки тарбиячи эмас, балки шу Ватан барчамизники, дея қўнглида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонийлик фазилатлари мужассам, иймон-эътиқоди бутун бўлган ҳар қандай шахс тарғиботчи бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервюси. – 2017 йил, 17-август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - 2020 й., 29-декабрь.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – 2020 йил, 31-август.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. - Т., “Энциклопедия”, 2006-2008.